

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 4 СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 4**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 4**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>1.Доно Зияева</b> XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
<b>2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова</b> РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
<b>3.Муродилла Ҳайдаров</b> ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
<b>4.Гулнора Гулямова</b> XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
<b>5.Арслон Нафасов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
<b>6.Ойбек Остонов</b> ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
<b>7.Умиджон Усаров</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
<b>8.Зиёдулла Холбоев</b> ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
<b>9.Davlatbek Qudratov</b> ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ ASRAВ-AVAYLASH YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNI.....	83
<b>10.Гўзал Раззоқова</b> ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
<b>11.Дилшода Рўзиева</b> ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
<b>12.Сафарали Қўшоқов</b> ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Доно Зияева,  
тарих фанлари доктори, профессор  
ЎзР ФА тарих институти

## ХІХ АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҒОЯЛАРИ

*For citation: Dono Ziyaeva, IDEAS OF REFORM OF BUKHARA SCIENTISTS OF THE XIX CENTURY. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 4-9*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мураккаб ва кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ва бошқарув тизимини ислоҳ этиш, мамлакат тарихини холисона таҳлил этиш масалаласида ўша даврнинг етук алломаси Аҳмад Дониш томонидан илгари сурилган янгича қарашлар ва ислоҳотчилик ғоялари ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** илм-фан, тафаккур, ислоҳот, тарих, технология, бошқарув тизими, Бухоро, элчилик, янгилик, консерватизм.

Доно Зияева,

доктор исторических наук, профессор  
Институт истории Академии наук Республики Узбекистан

## ИДЕИ РЕФОРМ БУХАРСКИХ УЧЕНЫХ XIX ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

В статье отражены новые взгляды и реформистские идеи, выдвинутые ведущим ученым второй половины XIX века - начала XX века Ахмадом Донишем по решению сложных и острых социально-экономических проблем и реформированию системы управления в Бухарском эмирате.

**Ключевые слова:** Наука, мышление, реформа, история, технология, система управления, Бухара, посольство, новшество, консерватизм.

**Dono Ziyaeva,**  
Doctor of Historical Sciences, Professor  
Institute of History of the Academy of Sciences  
of the Republic of Uzbekistan

## IDEAS OF REFORM OF BUKHARA SCIENTISTS OF THE XIX CENTURY

### ABSTRACT

The article reflects new views and reformist ideas put forward by the leading scientist of the second half of the XIX century - the beginning of the XX Century Ahmad Donish, to solve complex and acute socio-economic problems and reform the state system in the Bukhara emirate.

**Index Terms:** science, thinking, reform, history, technology, management system, Bukhara, embassy, innovation, conservatism.

#### 1. Мавзунинг долзарблиги:

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳаётнинг ҳар бир соҳасида жадал ислоҳотлар кечмоқда. Бу ислоҳотлар нафақат модернизация жараёнлари билан, балки тарихий илдишлари ўтмишга бориб тақаладиган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга ҳам боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон тарихида энг мураккаб ва зиддиятли давр бўлган XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида мустақил давлатчиликнинг барҳам топиши, сиёсий ва иқтисодий қарамлик шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқарув тизимида муаммолар ниҳоятда кескинлашиб кетган эди. Шу муносабат билан кун тартибида ватан озодлиги ва тараққиёти, халқнинг келажаги каби масалалар ўта долзарб аҳамиятга эга вазифага айланган эди. Бу масала энг авало ўз даврининг илғор фикрли зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий тафаккурида янги ғоялар ва қарашларида намоён бўлганки, бу ҳолат ўз даврида Бухородаги серқирра илм ва ўткир ақл соҳиби, халқпарвар ва маърифатпарвар аллома Аҳмад Дониш ижоди ва фаолиятида яққол намоён бўлган. Бугунги кун ислоҳотларининг муваффақиятли кечишида ва уларнинг туб моҳияти ҳамда аҳамиятини чуқур англаб етишда ўтмиш сабоқлари ва тажрибаси катта аҳамият касб этади ва мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

2. Тадқиқот усуллари: Тадқиқотда қиёсий, тарихий ва герменевтик таҳлил усуллари асосида Бухоро амирлигида вужудга келган мураккаб шароитда уни ҳал этиш бўйича ислоҳотчилик ғоялари тадқиқ этилди.

#### 3. Тадқиқот натижалари:

Бухоро амирлигида XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида сиёсий-иқтисодий қарамлик шароитида юзага келган кескин муаммолар ўз даврининг қомусий олими Аҳмад Дониш Аҳмад Донишнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди.

Аҳмад Дониш мударрис оиласида туғилиб, Бухоро мадрасаларида таълим олгач, аждодлар илмий меросидан баҳраманд бўлиб, мустақил равишда Ибн Сино, Умар Хайём, Алишер Навоий, Фузулий, Бедил асарларини катта қизиқиш билан ўрганган. Бедил ва Алишер Навоий асарларини, хусусан, "Лайли ва Мажнун" достонини, шунингдек, "Юсуф ва Зулайҳо" қиссасини, турли девонларни буюртмачилар учун қайта-қайта кўчириб бериб, малакали хаттот бўлиб етишган.

Буларнинг бари унинг ижодий фаолиятида ҳамда дунёқарашини шаклланишида катта роль ўйнаган. Ўз хусниҳати билан моҳир хаттот бўлиб танилган Аҳмад Дониш саройга дастлаб мирза сифатида жалб этилган, амир топшириғи билан астрономия, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид жуда кўп асарларни қайта кўчиради. Тез орада ўз билими билан эътибор қозонган.

Аҳмад Дониш табиий фанлар, тарих, фалсафага қизиқиши катта бўлиб, Бедилнинг коинот абадийлиги, материя, руҳнинг жисмга муносабати, ҳақидаги қарашларини таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Астрономиядан эса Мирза Абдулфаттоҳ Мунажжимдан сабоқ олган, нафақат астрономия, балки тарих, адабиёт, фалсафа, геометрия, математика, тиббиёт, мусиқа соҳаларида ижод қилган ва қомусий билим соҳиби бўлиб етишган. Айни пайтда у мунажжим, мусиқашунос, шоир, наққош ва миниатюралар устаси - мусаввир ҳам бўлган [1].

Ўз иқтидори туфайли сарой хизматига жалб этилган Аҳмад Дониш 1857, 1869, 1873 йилларда Бухоро амирлигининг элчилик миссияси таркибида уч марта Россияга - Петербургга боради ва сафар таассуротлари унинг дунёқарашига жуда катта таъсир кўрсатади. Элчилик сафарида унга Бухоро амири томонидан Россия давлат тузуми ва бошқарув тартибларини ўрганиш вазифасини топширилади. Аҳмад Дониш биринчи элчилик таркибида Россияда бир йил, кейинги элчиликлар таркибида эса 1-2 ойлаб ўтказган даврида кўплаб амалдорлар, Император жаноблари ҳамда шарқшунос олимлар билан суҳбат қуриб, музокараларда иштирок этади, кутубхона, музей, театрларда, йирик саноат корхоналарида бўлади бўлади, жамият ҳаётини кузатади. Ўзининг "Бухородан Петербургга саёҳат" номли асарини яратади [2]. Бу асари ўша даврда рус тилига таржима қилиниб, чоп этилади.

Сафар таассуротлари асосида Аҳмад Дониш Бухоро амири билан суҳбат қуриб, уни мамлакатда бошқарув тартибларини ислоҳ қилишга ундайди. Аммо унинг бу гоёларини консерватив руҳдаги сарой аҳли қабул қила олмади. Аҳмад Донишга саройда маъсулиятли юқори лавозимлар таклиф қилинишига қарамай, у мавжуд тузумни ва саройдаги амалдорларларни ўзгартиришсиз бирор маъсулиятни бўйнига ололмаслигини билдириб, амир таклифидан бош тортади.

1870-1873 йилларда "Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун" ("Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола") номли асарида илгари сурган ислоҳотчилик гоёлари, дадил фикрларидан чўчиган амир Аҳмад Донишни узоқ вилоятларга қози сифатида ишга тайинлаб, уни саройдан узоқлаштиради. Бу эса унга ўз ижодий фаолияти учун катта имконият беради. Шу даврларда у бир қанча рисоалар яратади ва кейинчалик уларни жамлаб, тартибга солиб, ўзининг энг нодир ва машҳур "Наводир-ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар") номли асарини яратади [3].

Аҳмад Дониш 20га яқин асарлар яратган бўлса-да, улар орасида "Наводир-ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар"), "Таърихи салтанати манғития", ("Манғитлар салтанати тарихи"), "Бухородан Петербургга саёҳат" каби асарлари ўз даврида жуда машҳур бўлиб, қўлма-қўл бўлиб кетди.

Бу асарларда Аҳмад Дониш Бухоро амирлиги жуда кўп масалаларда замон талабларидан анча ортда қолганлигини кўриб қаттиқ афсус чеккан ва бу холни ўз асарларида қаттиқ куюниш билан баён этиш билан бирга бу соҳаларда қилиниши лозим бўлган тадбирларни ҳам санаб ўтган.

1875-1882 йилларда ёзилган "Наводир-ул-вақоеъ" асари у 21 бобдан иборат. Унда "Фарзандларга васият. Касб-ҳунарнинг фойдалари", "Маданият ва жамият тартиби ҳақида" рисола, "Салтанат фазилати: унинг ҳақ ва ўз аҳлига муносабати баёнида", "Подшоҳларнинг ўз амирлари билан қандай муомалада бўлишлари,

юрт устида турган амалдор ва ҳокимларнинг подшоҳларга қилган тансиқ ва тортиқлари ҳақида", "Салтанат аҳлининг фуқаро ва раият билан муомаласи, уларни муҳим ишларини амалга ошириш баёнида" деб номланган фасллар, хотима, илова, иборалар таржимаси ва араб тилидаги изоҳлар ва луғатдан иборат.

"Маданият ва жамият тартиби ҳақида" номли рисолада муаллиф адолатли ва халқпарвар ҳукмдор энг муҳим хислатлари, мансабдор ва амалдорларнинг савияси ва фазилатлари, малакатни бошқаришда эътибор бериш лозим бўлган талаблар, умуман бошқарув тартиблари ҳақида сўз юритар экан, бу борада жаҳон тажрибаси қандайлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади, мамлакатда бу борадаги муаммоларни танқидий ёндошув асосида кўрсатиб беради. Бошқарув тизимига илмли, олийжаноб ва ҳалол кишиларни жалб этиш, машварат орқали қарор қабул қилиш, ўзининг дунёвий билимларини кенг намойиш этиб, табиат ҳодисалари, коинот, Ой ва Куюш тутилиши, зилзила ҳақида фикр юритади, Европадаги илм-фан, техника янгиликларини ўрганишга даъват қилган.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлигининг манғитлар даври ҳукмронлигига бағишланган "Бухоро манғитлари қисқача тарихи" номли асар яратади [4]. Унда асосий эътиборни ўзи яшаган даврдаги ҳукмдорлар - амир Насрулло, амир амир Музаффархон ҳамда амир Абдулаҳадлар шахсига ва фаолиятига қаратди. Аммо бошқа тарихчилардан фарқли равишда Аҳмад Дониш ўз асарида ҳукмдорларни улуғламади. Уларнинг фаолиятини амирнинг шахсий фазилатлари, ҳукмдорлик лаёқати ҳамда мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар билан боғлиқ равишда таҳлил қилишга уринди.

Аҳмад Дониш бу асарида Бухоро амири Музаффар даврида (1860-1885) мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатларини рўйи рост, ошқора кўрсатишга ҳаракат қилган. Унда амир Музаффарнинг тахтга келишидан бошлаб, сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти, мамлакатдаги ижтимоий -иқтисодий тизим, Россия империяси истилоси ва енгилиш сабабларини кўрсатиб ўтади.

Аҳмад Дониш ушбу муаммоларнинг бош сабабчиси сифатида ҳукмдорни айблаб, шундай фикр билдирган: "Амир Темур ўз номи, жасурлиги ва шон шухратини дунё аҳолисининг чорак қисмига ёйган бир пайтда, - деб қайд этган муаллиф, -Бухоро амирлари ёмон хулқи, ҳамиятсизлигию ғайратсизлиги билан ўз шаънларини пастга урдилар. Адлу инсоф, дину диёнат, илму иймони билан бошқа шахарлар орасида ифтихорли ва мумтоз бўлган Самарқанд ва Бухорони улар шу қадар бадном қилдиларки, бу қиёматгача унутилмайди ва тарих саҳифаларидан ўчмайди".

Унинг бу фикрлари осмонда гумбурлаган момқалдиروقдек гулдуради, ҳамма учун яхши маълум бўлган, халқнинг дилидаги қаттиқ изтиробга айланган ва унинг тилига чиқара олмай, аччиқ кўз ёшларига айланган бу аччиқ ҳақиқатни Ахма Дониш ўз асарларида жуда ўткир киноя ва куюнчаклик билан эътироф эта олди. Унинг қайд этишича, Амир Музаффар даврида мамлакатда зулм авж олган, деҳқонларга катта солиқлар солинган, халқ арзимас сабаблар учун ҳам зиндонбанд қилинган, зиндонлар тўлиб кетган.

Аҳмад Донишнинг таъкидлашича, амир Музаффар замонида Бухоронинг ободлиги кескин ўзгариш ва тафовутга учраб, таназулга учраган. Чунки, Самарқанднинг босиб олиниши натижасида Зарафшоннинг юқори оқими мустамлакачилар тасарруфига ўтганлиги боис экин майдонлари сувсизликдан харобага айланган, суғориладиган ерларнинг катта қисми сувсизлик ва

амалдорларнинг жабру зулми туфайли экилмасдан қолган эди.

Аҳмад Дониш сув танқислиги муаммосини ҳал этиш учун амирга Амударёдан канал қазиб сув олиб келишни, бунинг учун Бухоронинг етита туманида фавқулодда ҳар бир танобдан икки тангадан солиқ йиғиб, бу йиғилган йиғимнинг икки юз мингини Амударё сувини Керки, Келиф туманларига, Каршига, Бухоро ва Миёнқалага буриб юбориш учун сарф қилишни, қолган пулларни эса умумий ободончилик ишларига сарф қилишни таклиф қилиб чиқади. Аммо амир бунга рози бўлмайди.

Аҳмад Дониш амир Музаффарнинг минтақага Россия империяси истилоси давридаги сиёсатини ҳам кескин танқид остига олади. Унинг қайд этишича, бу пайтда амирнинг узоқни ўйламай, Кўқонга юриш қилиши оқибатида Кўқон ва Бухоро ўртасида қолган Тошкент қўлдан кетади. Аҳмад Дониш амирнинг узоқни кўра билмасдан, калта ўйлашини очик нафрат билан таъкидлайди, урушдаги мағлубият сабабларини таҳлил қилар экан, ҳарбий илмда мамлакат қўшинлари ва қурол-яроғи анча орқада қолганлиги куюниб эътироф этади.

Аҳмад Дониш амир бошлиқ маъмуриятнинг бошқа вакилларни ҳамда бошқарувдаги тартибсизликларни ҳам ошкора кўрсатиб ўтади. Айниқса амир Музаффар давридаги бош вазир Муҳаммадшоҳ қўшбегининг "аҳмоқ ва илмсиз" эканлигини таъкидлаб, мамлакатда содир бўлаётган барча ёмон иллатлар, галаёнларда уни айблайди. Унинг даврида жамият ва давлат ишлари тартибсизлик, бебошлиқ ҳолига келиб қолгани, халқ ва қўшин тинчини йўқотганлигини кўрсатиб ўтади. У яна бир қатор амалдорларни қоралаб, халқ устидан қилинаётган ноҳақликлар, тартибсизликларни, маъмурий бошқарувдаги адолатсизликларни очиб беради.

Қозилар фаолиятига тўхталиб, суд ишлари шариат қонунларини яхши билмайдиган, махсус билим ва кўникмаларга эга бўлмаган шахсларга топширилганини афсус билан ёзади [5]. Бу эса амирликда тартибузарликларга, шариат қонунларига тўлиқ амал қилмасликка, бюроктизмга ва ниҳоят, оддий халқнинг қийналишига олиб келганлигини, қози ва раис ўз амалини сақлаб туриш учун сарой бошлиқларига пора берганлигини, кейин эса уни ўрнини қоплаш учун ҳар хил ҳужжатларни расмийлаштиришда халқ ҳисобидан қоплаганлигини қайд этади.

Шу тариқа Аҳмад Дониш мамлакат бошқарувида ҳар бир соҳада пораҳўрлик, тартибсизликлар, қонунбузарликлар авж олганлигини аниқ мисолларда таърифлаб беради. Хусусан, солиқ тизимида халқдан мажбурий тарзда турли хил солиқлар ва йиғимлар йиғиб олинганлиги, уларнинг қиймати йил сайин ортиб борганлиги, натижада деҳқонлар хонавайрон бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

Амир саройида маъсул лавозимларда фаолият юритган Аҳмад Донишнинг танқидий қарашлари ўз даври учун жуда катта жасорат эди. Унинг деярли барча асарлари ўта танқидий руҳда ёзилганлиги, реал воқеликни борича акс эттириши билан бирга мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф, тавсия ва йўлланмалар бериб борилганлиги билан ажралиб турар эди.

#### 4. Хулосалар:

Ўзбек халқининг анъанавий бой маънавий меросидан баҳраманд бўлиб, қомусий олим бўлиб етшган Аҳмад Дониш ўз устида ишлаб ҳамда Россия ва Европа давлатларидаги ҳаёт ва илмий-техника ютуқларидан таъсирланиб, мамлакатда чуқур ислохотлар ўтказишга даъват этди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва бошқарув муаммоларини ошкора танқид остига олди, уларни тузатиш бўйича ўз

таклифларини, ислоҳот ғояларини илгари сурди. Ўзининг тарихий асарларида Бухоро амирлигининг яқин тарихини танқиди-тахлилий кўриб чиқиш асосида давлат бошқарув тизимида мавжуд муаммоларнинг тарихий илдизларини очиб берди, тарихий жараёнларни теран таҳлил қилди. Унинг қарашлари дунёвий ва диний билимлар уйғунлиги яққол намоён бўлди. Аҳмад Дониш асарлари ва қарашлари таъсирида мамлакатда ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий-маданий ҳаётга реал қараш ва ҳаққоний талқин этишга интилиш кучайди. Бу ғоялар орадан кўп ўтмай, XX аср бошларига келиб минтақада бошланган маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ҳаракатига пойдевор бўлиб ҳизмат қилди.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

---

1. Маънавият юлдузлари. (маъсул муҳар. М.С.Хайруллаев). -Тошкент, 1999. (The stars of spirituality. (Responsible editor. M.S.Khayrullaev). - Tashkent, 1999.)
2. Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. - Душанбе, 1976 (Ahmad Donish. Travel from Bukhara to Petersburg. -Dushanbe, 1976)
3. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоеъ. - Тошкент: Фан, 1964. - С.142 (Ahmad Donish. Navodir ul-vaqoe. - Toshkent: Fan, 1964. - P.142)
4. Аҳмади Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони Мангития (Исторический трактат или коротко об истории царствования мангитской династии). - Душанбе, 1992 (Ahmadi Donish. Risola yo mukhtasare az tarihi saltanati honadoni Mangitiya (Historical treatise or briefly on the history of the reign of the Mangit dynasty). -Dushanbe, 1992.)
5. Аҳмад Дониш. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания И. А. Наджафовой. -Душанбе,1967 (Ahmad Donish. The history of the Mangit dynasty. Translation, foreword and notes by I.A.Najafova. Dushanbe, 1967).



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

**№4 (2020)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000